


**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Сув хўжалиги вазири  
 Ш.Р.Хамраев  
 2023 йил “11” июль

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Сувхўжаликназорат” инспекциясининг  
 2023 йилнинг II ярим йиллиги учун мўлжалланган  
 ИШ РЕЖАСИ**

№	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
<b>I боб. 2023 йилнинг II ярим йиллигида соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш</b>			
1.	Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида”ги ҳамда “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунларининг ижросини таъминлаш, шу жумладан, гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини доимий назорат қилиш ҳамда барча ер усти сув объектларида сувнинг оқилона бошқарилиши, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидалари (тартиби)га риоя этилиши бўйича тадбирлар мажмуини олдиндан ўтказиш орқали мақсадли ва самарали фойдаланишни <b>тизимли равишда ташкил этиш.</b>	II-ярим йиллик давомида	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 22 апрелдаги ПҚ–5090-сон қарорида белгиланган инспекциянинг <b>асосий вазифалари ижросини таъминлаш:</b> 1.1. Сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини, ишончли ишлашини ҳамда <b>кўриқланишини назорат қилиш;</b> 1.2. Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини жойлаштириш ва	II-ярим йиллик давомида	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар

№	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
	<p>лойиҳалаш бўйича топшириқларни ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қоидаларни келишиш;</p> <p>1.3. Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини куриш, реконструкция қилиш, уларни фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатиш ишларида иштирок этиш ҳамда тегишли хулосалар бериш;</p> <p>1.4. Фавқулодда вазиятларда хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш.</p>	II-ярим йиллик давомида	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар
3.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохатлар доирасида сув хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 20 июндаги ПФ–101-сон Фармонида белгиланган инспекциянинг асосий вазифалари ижросини таъминлаш.</p> <p>Барча ер усти сув объектларида сувнинг оқилона бошқарилиши, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидалари (тартиби)га риоя этилиши устидан назорат қилиш.</p> <p>Сув хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>Барча ер усти сув объектларида сувдан фойдаланишга доир маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш.</p> <p>Инспекция 2023 йил 1 августдан бошлаб сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибига риоя этилиши ҳамда сувни тежайдиган суғориш технологияларидан самарали фойдаланилиши бўйича ўтказиладиган текширувларни “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатдан ўтказмасдан амалга ошириш.</p> <p>Инспекцияга сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини ҳамда сув олиш тартибини бузиш ҳолатлари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, шунингдек, жисмоний шахсларга нисбатан маъмурий жазо қўллаш.</p>	II-ярим йиллик давомида	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар



№	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
4.	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2013 йил 19 мартдаги 82-сонли қарорининг <b>асосий вазифалари ижросини таъминлаш:</b></p> <p>Иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан оқилона фойдаланилиши ва унинг муҳофаза қилиниши, шунингдек барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув олишнинг белгиланган лимитларига риоя этилиши, ҳисобга олиш ва ҳисоботларнинг белгиланган тартибда юритилиши юзасидан назоратни кучайтириш.</p>	II-ярим йиллик давомида	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар
<b>II боб. 2023 йилнинг II ярим йиллигида вазирликнинг устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш</b>			
5.	Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонун лойиҳасига асосан, қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	Август	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов
<b>IV боб. 2023 йилнинг II ярим йиллигида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Ҳукумат қарорларининг бажарилишини мақсадли ўрганиш</b>			
6.	“Республикадаги сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини яхшилаш, уларнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 октябрдаги <b>махсус қарори</b> топшириқлари ижросини таҳлил қилиш.	Хар ой якуни билан	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар
7.	Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 декабрдаги “Дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 1009-сон қарор талабларини вилоятларда бажарилиши бўйича <b>мақсадли ўрганиш:</b> <b>Сирдарё, Хоразм ва Жиззах вилоятлари;</b>	Июль Август Сентябрь	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар

№	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
8.	<p>“Республикадаги сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини яхшилаш, уларнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 октябрдаги махсус қарори топшириқлари бажарилишини мақсадли ўрганиш:</p> <p><b>Андижон, Бухоро ва Навоий вилоятлари.</b></p>	Июль-Август, Сентябрь	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар
9.	<p>Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 ноябрдаги “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 499-сон қарори билан тасдиқланган хавфсизлик декларацияси Низоми бўйича вилоятларда ишлаб чиқиладиган хавфсизлик декларацияларини мақсадли ўрганиш:</p> <p><b>Хоразм, Жиззах, Наманган, Фарғона ва Бухоро вилоятлари.</b></p>	Июль-Август Сентябрь Октябрь-Ноябрь	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар
10.	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида сув хўжалиги тизимидаги сунбий сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарида ердан фойдаланиш, хўжалик фаолиятини юритиш ва бошқа ҳатти-ҳаракатлар бўйича белгиланган режимларга риоя этилиши устидан назорат ўрнатилишини мақсадли ўрганиш.</p> <p><b>Фарғона ва Наманган вилоятлари</b></p>	Август Сентябрь	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар
11.	<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 декабрдаги “Гидротехник иншоотларни хавфсизлигини таъминлаш бўйича авариявий моддий-техник заҳираларни яратиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 1064-сон қарори топшириқлари ижросини мақсадли ўрганиш:</p> <p><b>Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Бухоро ва Навоий вилоятлари.</b></p>	Август-Сентябрь Октябрь-Ноябрь	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар



№	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
12.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги “Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида” 310-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманлардаги ирригация ва суғориш тармоқларининг сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ҳамда сувнинг ҳисоб-китоби юритилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатилишини мақсадли ўрганиш:	Сентябрь Октябрь-Ноябрь	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар
<b>Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Андижон вилоятлари;</b>			
13.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги 174-сонли қарори билан тасдиқланган “Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-иловасига мувофиқ сувнинг кунлик ҳисоби журналларини рўйхатдан ўтказилишини мақсадли ўрганиш.	Октябрь-Ноябрь	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар
<b>Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари</b>			
<b>V боб. 2023 йилнинг II ярим йиллигида ўтказиладиган инспекция йиғилишларида</b>			
<b>муҳокама қилинадиган масалалар</b>			
14.	Гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни танқидий муҳокама қилиш.	Хар чоракда	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов,
<b>VIII боб. 2023 йилнинг II ярим йиллигида ўтказиладиган вазир ўринбосарлари ҳузурда муҳокама этиладиган масалалар</b>			
<b>Вазирнинг биринчи ўринбосари А.Назаров ҳузурда муҳокама этиладиган масалалар</b>			
15.	“Республикадаги сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини яхшилаш, уларнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 октябрдаги махсус қарори топшириқлари ижроси бажарилишини муҳокама қилиш.	Хар чоракда	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов,

№	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
16.	Вазирлик тасарруфидаги сув хўжалиги объектларининг хавфсизлик декларацияларини ишлаб чиқиш ва уларни экспертизадан ўтказилишини муҳокама қилиш.	Сентябрь	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов,
<b>IX боб. Яқин 2-3 йилда амалга оширилиши мўлжалланган истиқболдаги вазифалар</b>			
17.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-465-сон қарорида белгиланган хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини куриш ва реконструкция қилиш тадбирларини бажарилишини таҳлил қилиб бориш.	2023-2025 йиллар давомида доимий	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар
<b>X боб. 2023 йилнинг II ярим йиллигида амалга ошириладиган тадбирлар</b>			
18.	2023 йилнинг иккинчи ярим йиллигида инспекция назоратидаги 126 та сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини баҳолаш учун инспекторлик текширувларни ўтказиш, натижалари бўйича Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, “Сирдарё” ва “Амударё” сув хўжалиги бирлашмаларига биринчи навбатда амалга оширилиши талаб этиладиган кўрсатмалар киритиб бориш: <b>18 та</b> сув омборларда, <b>16 та</b> гидроузелларда, <b>26 та</b> магистрал каналларда, <b>13 та</b> магистрал коллекторларда, <b>18 та</b> насос станцияларда ва <b>35 та</b> ГЭСларда.	Тасдиқланган графикка асосан	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар
19.	Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини диагностика қилиш ишлари олиб борилишини таъминлаш: <b>Техник ҳолатини диагностика қилиш: “Дехқонобод”, “Лангар”, “Обширсой” сув омборлари, “Наманган” насос станцияси, “Туронги-сока”, “Қиличнӣёзбой” каналлари.</b> <b>Кадастр ҳужжатларини тузиш: “АБК-2” (иншоотлари билан) канали, “Қуйимозор” “Қизилтепа”, “Қизилтепа-2” насос станциялари.</b> <b>Хавфсизлик мезонларини ишлаб чиқиш: “Тахиатош” гидроузели.</b>	II-ярим йиллик давомида	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, Ҳ.Рўзимуродов, Ш.Қўчқоров, худудий инспекторлар



№	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
20.	Ўзбекистон Республикаси Бош вазири-Тошқинга қарши Ҳукумат комиссияси раисининг 2023 йил 2 февралдаги “Республика аҳолисини ва ҳудудларини тошқин сувлари, сел оқимлари ва кўчки ҳодисалари хавфи билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2022 йилда амалга оширилган ишлар ва 2023 йил учун устувор вазифалар тўғрисида”ги 14-сон баёнининг тегишли бандлари ижросни назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш.	II-ярим йиллик давомида	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар
21.	“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетиде таҳсил олаётган талабаларни гидротехника иншоотлари ишончилиги ва хавфсизлиги бўйича малакали кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича амалиётларни ташкил этиш.	Июль	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов
22.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармонининг <b>1-иловаси:</b> <b>3-банд.</b> Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан давлат харидларини амалга оширувчи шахслар томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар).	25-июль	З.Ирисбоев, Ҳ.Рўзимуродов, Б.Убайдуллоев
23.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармонининг <b>1-иловаси:</b> <b>4-банд.</b> Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).	25-июль	З.Ирисбоев, Ҳ.Рўзимуродов, Б.Убайдуллоев

№	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
24.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармонининг <b>1-иловаси:</b></p> <p><b>14-банд.</b> Тасдиқланган йиллик харажатлар сметаси билан бир қаторда, унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомобилотransпорт воситаларини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар.</p>	25-июль	З.Ирисбоев, Ҳ.Рўзимуродов, Б.Убайдуллоев
25.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармонининг <b>1-иловаси:</b></p> <p><b>15-банд.</b> Давлат органлари ва ташкилотлари тасарруфидаги хизмат автомобилотransпорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар.</p>	25-июль	З.Ирисбоев, Ҳ.Рўзимуродов, Б.Убайдуллоев
26.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармонининг <b>1-иловаси:</b></p> <p><b>30-банд.</b> Давлат органлари ва ташкилотларининг тасдиқланган ярим йиллик ва (ёки) йиллик иш режалари (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).</p>	25-июль	З.Ирисбоев, Ҳ.Рўзимуродов, Б.Убайдуллоев
27.	<p>Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлик декларацияларини Экспертлар кенгаши йиғилишида кўриб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш: “Чапқирғоқ Туямўйин”, “Марказий Ўнг ва Чап тармоқ” каналлари, “Шўртан”, “Асака-адир” сув омборлари, “Роватхўжа”, “Дамхўжа”, “Навоий ИЭС” гидроузеллари, “Арнасой-3” насос станцияси, “БФК” кичик ГЭС.</p>	Сентябр	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов, худудий инспекторлар




№	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
28	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5055-сонли қарорининг 13-илоvasи “Йўл харитаси”нинг 13-бандига асосан Республикадаги барча сув омборлари ва йирик гидротехник иншоотларни ҳар йили суғориш мавсуми тугаганидан сўнг (сув омборларида сув сатҳи пасайгандан сўнг), шунингдек, ёзги суғориш мавсумида ишчи гуруҳ билан биргаликда ўрганиб чиқиш: <b>Каттақўрғон, Чимқўрғон, Тошкент сув омборлари</b>	Ноябрь	З.Ирисбоев И.Дехқонов, Ш.Исмаиловлар худудий инспекторлар, тегишли идоралар билан биргаликда
29.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-135-сон қарорининг <b>4а-илоvasи:</b> <b>20-бандида.</b> Республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан хориждаги ҳамкорларнинг камида 500 нафардан вакиллари юртимизга турист сифатида жалб қилиш чорасини кўриш.	30-декабрь	З.Ирисбоев, Б.Убайдуллоев
30.	Масъул ижрочилар томонидан назорат ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилиши бўйича “ <i>Ijro.gov.uz</i> ” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатларнинг ўз вақтида киритилишини мунтазам назорат ва таҳлил қилиб бориш.	Доимий	З.Ирисбоев, Б.Убайдуллоев
31.	Инспекцияга жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган барча ариза ва мурожатларни ўрганиш ҳамда ўз вақтида ижросини таъминлаш.	Доимий	З.Ирисбоев, Б.Убайдуллоев
<b>XI боб. 2023 йилнинг II ярим йиллигида ташкил этиладиган матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, ўқувлар, илмий-амалий анжуманлар</b>			
32.	Гидротехника иншоотларини хавфсизлигини таъминлаш ва сувдан фойдаланиш бўйича амалий семинар ташкил этиш.	Ноябрь	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов

№	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
28	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5055-сонли қарорининг 13-иловаси “Йўл харитаси”нинг 13-бандига асосан Республикадаги барча сув омборлари ва йирик гидротехник иншоотларни ҳар йили суғориш мавсуми тугаганидан сўнг (сув омборларида сув сатҳи пасайгандан сўнг), шунингдек, ёзги суғориш мавсумида ишчи гуруҳ билан биргаликда ўрганиб чиқиш: <b>Каттакўрғон, Чимкўрғон, Тошкент сув омборлари</b>	Ноябрь	З.Ирисбоев И.Дехқонов, Ш.Исмаиловлар худудий инспекторлар, тегишли идоралар билан биргаликда
29.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-135-сон қарорининг 4а-иловаси: <b>20-бандида.</b> Республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан хориждаги ҳамкорларнинг камида 500 нафардан вакиллари юртимизга турист сифатида жалб қилиш чорасини кўриш.	30-декабрь	З.Ирисбоев, Б.Убайдуллоев
30.	Масъул ижрочилар томонидан назорат ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилиши бўйича “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимга маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатларнинг ўз вақтида киритилишини мунтазам назорат ва таҳлил қилиб бориш.	Доимий	З.Ирисбоев, Б.Убайдуллоев
31.	Инспекцияга жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган барча ариза ва мурожатларни ўрганиш ҳамда ўз вақтида ижросини таъминлаш.	Доимий	З.Ирисбоев, Б.Убайдуллоев
<b>XI боб. 2023 йилнинг II ярим йиллигида ташкил этиладиган матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, ўқувлар, илмий-амалий анжуманлар</b>			
32.	Гидротехника иншоотларини хавфсизлигини таъминлаш ва сувдан фойдаланиш бўйича амалий семинар ташкил этиш.	Ноябрь	З.Ирисбоев, Ш.Исмаилов, И.Дехқонов



(Рахимов)



(Назаров)



(Ирисбоев)

(Ибрагимов)

